

**QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI
HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR BERUVCHI
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 RAQAMLI ILMIY KENGASH**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

JUMAYEVA KAMOLA TURSUNALIYEVNA

**MUHAMMADRASUL MIRZO “DEVON”INING
LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI**

10.00.01 – O‘zbek tili

**Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
AVTOREFERATI**

Qarshi – 2023

**Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
avtoreferati mundarijasi**
**Table of contents of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**
**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Jumayeva Kamola Tursunaliyevna
Muhammadrasul Mirzo “Devon”ining leksik-semantik xususiyatlari..... 5

Jumayeva Kamola Tursunaliyevna
Lexical-semantic characteristics of “Devon” by Mukhamedrasul Mirzo..... 23

Жумаева Камола Турсуналиевна
Лексико-семантические особенности “Девон”а Мухаммадрасула Мирзо..... 43

E‘lon qilingan ishlar ro‘uxati
List of published works
Список опубликованных работ..... 47

**QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI
HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR BERUVCHI
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 RAQAMLI ILMIY KENGASH**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

JUMAYEVA KAMOLA TURSUNALIYEVNA

**MUHAMMADRASUL MIRZO “DEVON”INING
LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI**

10.00.01 – O‘zbek tili

**Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi
AVTOREFERATI**

Qarshi – 2023

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi mavzusi Oliy attestatsiya komissiyasida B2022.4.PhD/Fil2820 raqam bilan ro'yxatga olingan.

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi Qarshi davlat universitetida bajarilgan.
Dissertatsiya avtoreferati uch tilda (o'zbek, ingliz, rus (rezyume)) Qarshi davlat universiteti veb-sahifasida (www.qarshi.du.uz) hamda "ZiyoNet" Axborot ta'lim portalida (www.ziynet.uz) joylashtirilgan.

Ilmiy rahbar:

Shukurov Otabek Ulashevich
filologiya fanlari doktori, dotsent

Rasmiy opponentlar:

Umurqulov Bekpo'lat Normurodovich
filologiya fanlari doktori, professor

Islomov Ikrom Xushboqovich
filologiya fanlari doktori, dotsent

Yetakchi tashkilot:

Farg'ona davlat universiteti

Dissertatsiya himoyasi Qarshi davlat universiteti huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 raqamli Ilmiy kengashning 2023-yil "___" _____ soat _____ dagi majlisida bo'lib o'tadi (Manzil: 180103, Qarshi shahri, Ko'chabog' ko'chasi 17. Tel.: (0 375) 225-34-13; faks: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.). Qarshi davlat universiteti 2-binosi, 202-xona.

Dissertatsiya bilan Qarshi davlat universiteti Axborot-resurs markazida tanishish mumkin (___-raqami bilan ro'yxatga olingan). (Manzil: 180103, Qarshi shahri, Ko'chabog' ko'chasi, 17. Tel. (0375) 225-34-13; faks: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Dissertatsiya avtoreferati 2023-yil "___" _____ kuni tarqatildi
(2023-yil "___" _____ dagi _____ raqamli reyestr bayonnomasi).

N.N.Shodmonov
Ilmiy darajalar beruvchi
Ilmiy kengash raisi,
filol.f.d., professor

G.N.Tojiyeva
Ilmiy darajalar beruvchi
Ilmiy kengash ilmiy kotibi,
filol.f.d., dotsent

X.Jabborov
Ilmiy darajalar beruvchi
Ilmiy kengash qoshidagi
Ilmiy seminar raisi,
filol.f.d., professor

KIRISH (falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi annotatsiyasi)

Mavzuning dolzarbligi va zarurati. Jahon tilshunosligida muayyan tilning tarixiy holatini o‘zida mujassam etgan mumtoz badiiy asarlar matnini etimologik, uslubiy hamda statistik nuqtayi nazardan o‘rganish, shuningdek, ularning leksik-semantik, funksional-uslubiy xususiyatlarini diaxron hamda sinxron aspektda mukammal va atroflicha o‘rganish zamonaviy tillarda mavjud bo‘lgan ayrim muammolarni hal qilish imkoniyatini yuzaga keltiradi. Tarixan mumtozlik mavqeyida turgan manbalarda qo‘llanilgan leksemalarning o‘rnini belgilashda bu birliklarni leksik-semantik guruhlariga ajratish, tarixiy etimologik qatlamlarga ajratgan holda o‘rganish, shu bilan birgalikda lug‘aviy birliklarning tarixiy taraqqiyotini ko‘rsatish, uslubiy xususiyatlarini tarixiy-qiyosiy jihatdan talqin etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Dunyo tilshunosligida tarixiy matnlar lug‘aviy birliklariga shakliy va mazmuniy jihatdan onomasiologik aspektda yondashish, ularni semantik va mavzuviy guruhlariga ajratib, funksional-uslubiy me‘yorlarini yoritish, muayyan shoir ijodida qo‘llanilgan lug‘aviy birliklarga xos funksional xususiyatlarni o‘rganish, ularning semantik guruhlarini aniqlash, har bir semantik guruhga mansub leksik birliklarning qo‘llanish jarayonida voqelangan xususiyatlarini atroflicha ko‘rsatib berish hozirgi davr tilshunosligi uchun zaruriy masalalardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Bugungi kunda ilm-fanning barcha sohalarida bo‘lgani kabi o‘zbek tilshunosligida ham har jihatdan chuqur va teran asoslangan tadqiqotlar yuzaga kelmoqda. Milliy ma‘naviyatimizning ajralmas qismi bo‘lgan o‘zbek tili tarixi va bu tilda yaratilgan asarlarning lisoniy jihatlarini o‘rganish borasida ham qator ilmiy tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Shunisi xarakterliki, xalqimiz uchun tarixan muhim qiymatga ega bo‘lgan ayrim ilmiy va badiiy asarlar tilini o‘rganish hanuz soha mutaxassislarning nazairdan chetda qolib kelmoqda. Mazkur asarlardan biri Xorazmda XIX asrda yashab ijod etgan Muhammadrasulboy Mirzoboshi mutaxallis Mirzo ibn Pahlavonniyoz Mirzoboshi mutaxallis Komil ijodiga mansub “Devon” hanuz to‘liq tabdil qilinmagan hamda adabiyotshunoslik va tilshunoslik nuqtayi nazaridan ham to‘liq o‘rganilmagan. Keyingi yillarda yurtimizda “...matnshunoslik, adabiy manbashunoslik, tilshunoslik, falsafa, madaniyat tarixi sohalarida milliy madaniy merosimizning hali o‘rganilmagan ko‘pgina qatlamlarini ochib berishga yo‘naltirilgan ilmiy-tadqiqotlarga alohida e‘tibor qaratilayotgani”¹ mazkur “Devon” leksikasini o‘rganishga asos bo‘lmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 21-oktabrdagi PF-5850-son “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”, 2020-yil 20-oktabrdagi PF-6084-son “Mamlakatimizda o‘zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmonlari; 2019-yil 4-oktabrdagi PQ-4479-son “O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi qonuni qabul qilinganligining o‘ttiz yilligini

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

keng nishonlash to‘g‘risida”gi, Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 12-dekabrda 989-son “Davlat tilini rivojlantirish departamenti to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqidagi”, 2020-yil 29-yanvardagi 40-son “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Atamalar komissiyasining faoliyatini tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlari kabi me‘yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda ushbu dissertatsiya ishi muayyan darajada xizmat qiladi.

Tadqiqotning respublika fan va texnologiyalari rivojlanishining ustuvor yo‘nalishlariga bog‘liqligi. Tadqiqot respublika fan va texnologiyalar hamda innovatsion rivojlanishining “Axborotlashgan jamiyat va demokratik davlatni ijtimoiy, huquqiy, iqtisodiy, madaniy, ma‘naviy-ma‘rifiy rivojlantirishda innovatsion g‘oyalar tizimini shakllantirish va ularni amalga oshirish yo‘llari” ustuvor yo‘nalishiga muvofiq amalga oshirilgan.

Muammoning o‘rganilganlik darajasi. Badiiy asarlar tili dunyo miqyosida ham, o‘zbek tilshunosligida ham ko‘p o‘rganilayotgan ahamiyatli sohadir. Tilning bor imkoniyati nutqda, ya‘ni kontekstda namoyon bo‘ladi, shuning uchun ham turli janrlarda yozilgan badiiy asarlar matni turli aspektlarda tekshirib ko‘rilmoqda. Asarning til xususiyatlari esa tadqiqotchilar tomonidan turli qarashlarda har xil metodologik va metodik asoslarga ko‘ra tahlil qilinadi. Badiiy asarlarning lisoniy xususiyatlari jahon va o‘zbek tilshunosligida keng o‘rganilgan², til sathlari lingvostilistik³, lingvopoetik⁴ nuqtayi nazardan atroflicha tadqiq qilingan, biroq Muhammadrasul Mirzo butun umr bo‘yi qilgan ijodining bir “Devon” holiga keltirilgan shakli tilshunoslikda hali o‘rganilmagan. Adabiyotshunoslik sohasida

² Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – М.: Русский язык, 1988; Назарова О. О языке произведений Хамзы Хакимадзе Ниязи: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1944; Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишер Навои: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1969; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: автореф. дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: автореф. дисс....канд. филол. наук. –Ташкент, 1968; Шомаксудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970; Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Г.Гуляма: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Тошкент, 1972; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин»: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Ярыев Б. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: автореф. дисс....канд. филол. наук. –Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Абулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадий асарлари лексикаси: филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001 ва б.

³ Қўчқортоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1975; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилстик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

⁴ Махмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – № 4, – Б. 84-92; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр». – Тошкент, 1982. – 24 б.

shoirning ayrim asarlarigina tadqiq obykti bo‘lgan⁵, xolos. Shunga ko‘ra tadqiqotimiz Mirzo bayozi tilining leksik xususiyatlarining statistik, leksik-semantik va uslubiy-funksional tahliliga bag‘ishlangan.

Tadqiqot mavzusining dissertatsiya bajarilgan oliy ta‘lim muassasasining ilmiy-tadqiqot ishlari rejalari bilan bog‘liqligi. Dissertatsiya Qarshi davlat universiteti ilmiy-tadqiqot ishlari rejasining “O‘zbek tili birliklarining funksional pragmatik va semantik-uslubiy tahlili (sinxron va diaxron aspektda)” mavzusidagi loyihasi doirasida bajarilgan.

Tadqiqotning maqsadi Muhammadrasul Mirzo bayozida qo‘llanilgan lug‘aviy birliklarning statistik, struktur-semantik va funksional-uslubiy xususiyatlarini yoritib berishdan iborat.

Tadqiqotning vazifalari:

“Devon” leksikasining statistik tavsifini berish;

“Devon”da qayd etilgan dalillarni hozirgi o‘zbek adabiy tili bilan qiyoslash va shu asosda har ikkala holat munosabatini belgilash;

bayozdagi leksemalarning tarixiy etimologik qatlamga mansubligi va ularning asliyat bilan semantik mutanosibligini aniqlash;

Mirzo nazmida qo‘llanilgan lug‘aviy birliklarni semantik guruhlariga ajratish;

bayozda mavjud leksemalarning funksional-uslubiy xususiyatlarini ochish;

shoir nazmida qo‘llanilgan ko‘chimlarni aniqlash, ularning lingvopoetik tabiatini oydinlashtirish;

yaratiladigan leksikografik ishlar uchun muhim ahamiyatga molik “Devon” so‘zlarning to‘liq qiyosiy-lug‘aviy ko‘rsatkichini tuzish vazifasidan iborat.

Tadqiqotning obyktini Muhammadrasul Mirzo qalamiga mansub 911\I-tartib raqamli nusxa hijriy 1323-milodiy 1905-1906-yillarda Muhammadya‘qub Muhammadyusuf tomonidan nasta‘liq xatida bitilgan majmua-devon tashkil etadi.

Tadqiqotning predmeti “Devon”ning leksik-semantik xususiyatlaridan iborat.

Tadqiqotning usullari sifatida tavsiflash, qiyoslash, leksikologik tadqiqotlarda esa qisman riyoziy-miqdoriy tahlil usullaridan foydalanilgan.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi quyidagilardan iborat:

“Devon”da qo‘llangan o‘zlashmalar miqdori turkiy so‘zlarga nisbatan ustun bo‘lgani, mazkur imkoniyat o‘zbek mumtoz adabiyoti vakillari an‘analariga ergashish natijasida shakllangani, shuningdek, bu jarayon shoir qo‘llagan o‘z qatlam so‘zlarining shakliy-ma‘noviy munosabatlari, uslubiy-emotsional xususiyatlari mukammalligini ta‘minlash uchun asos bo‘lgani ochib berilgan;

bayozdagi turkiy so‘zlar eng asosiy tushunchalarni atab kelishi barobarida o‘z atrofida arabiy-forsiy sinonimlarni birlashtirgani, o‘zlashma so‘zlardan miqdoran kam bo‘lsa-da, dominantlik imkoniyatiga egaligi, shu boisdan ham ularning uslubiy-funksional nufuzi arabiy va forsiy so‘zlardan ustun ekani isbotlangan;

⁵ Файзуллаева Р.А. Муҳаммад Расул Мирзо ва унинг адабий мероси: филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Қарши, 2020. – 138 б.

“Devon” leksikasidagi antroponimlar, toponimlar, harbiy atamalar, zoonimlar, teonimlar, musiqiy atamalar hamda kosmonimlar funksional-semantik xususiyatlarga ega bo‘lib, ular o‘z konnotativ ma’nosidan chekinishi hamda ma’no ko‘chishi barobarida obrazli tasviriy vositalar vazifasini bajargani dalillangan;

asar leksikasining funksional-uslubiy belgilari so‘zlarning semantik imkoniyatlarini, ya’ni ularning lingvopoetik mohiyatini aniqlashtirish vazifasini bajargan, natija hozirgi o‘zbek tilida obrazli o‘xshatishlar yaratishda eski o‘zbek tilining benihoya nozik semantik imkoniyatlaridan foydalanish mumkinligi muayyanlashtirilgan.

Tadqiqotning amaliy natijalari quyidagilardan iborat:

XIX asrning ikkinchi yarmida amalda bo‘lgan o‘zbek tili leksikasining belgilari borasidagi ma’lumotlar asosida hozirgi o‘zbek adabiy tilining leksik qatlami o‘sha davrda shakllanib bo‘lganligi;

imlo, izohli hamda etimologik lug‘atlar yaratish jarayonida so‘zliklarning tarixiy etimologik qatlamga munosabatini hamda ularning semantik strukturasi muayyanlashtirishda muhim manba bo‘lib hisoblanishi;

ona tilimizni zamon talablari darajasida taraqqiy ettirish, uning davlat tili maqomi miqyosidagi nufuzini oshirishda tarixiy matnlar ham beqiyos amaliy ahamiyat kasb etishi va muhim ijodiy vosita bo‘lib xizmat qilishi.

Tadqiqot natijalarining ishonchliligi muammoning aniq qo‘yilgani, chiqarilgan xulosalarni tavsiflash, tasniflash, komponent tahlil etish, etimologik usullar bilan asoslangani, nazariy fikr va xulosalarning amaliyotga joriy etilgani, olingan natijalarning vakolatli tashkilotlar tomonidan tasdiqlangani bilan belgilanadi.

Tadqiqot natijalarining ilmiy va amaliy ahamiyati. Tadqiqotning ilmiy-nazariy xulosalari o‘zbek tilshunosligining tarixiy fonetika hamda leksika sathlaridagi muammoli jihatlarning yechim topishi uchun xizmat qiladi.

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati sifatida jamlangan materiallar va chiqarilgan ilmiy xulosalar darslik, o‘quv-qo‘llanma, “O‘zbek tilining etimologik lug‘ati”, “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”, imlo lug‘atlarini yaratish, sinxron va diaxron tilshunoslik fanlari bo‘yicha bakalavriat hamda magistratura ta’lim yo‘nalishlarida maxsus kurslar o‘tishda muhim manba bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

Tadqiqot natijalarining joriy qilinishi. “Devon”ning leksik-semantik xususiyatlari o‘rganish bo‘yicha olingan natijalar asosida:

“Devon”da qo‘llangan o‘zlashmalar miqdori turkiy so‘zlarga nisbatan ustun bo‘lib, mazkur imkoniyat o‘zbek mumtoz adabiyoti vakillari an’analariga ergashish natijasida shakllangani, shuningdek, bu jarayon shoir qo‘llagan o‘z qatlam so‘zlarining shakliy-ma’noviy munosabatlari, uslubiy-emotsional xususiyatlari mukammalligini ta’minlash uchun asos bo‘lgan dalillardan 5120100 – Filologiya va tillarni o‘qitish (o‘zbek tili) bakalavriat ta’lim yo‘nalishi uchun mo‘ljallangan “Hozirgi o‘zbek tili” darsligining “Leksika, leksik-semantik sath, leksikologiya va leksikografiya” deb nomlangan qismini tayyorlashda foydalanilgan (20.12.2022-yildagi 04/1-3506-raqamli guvohnoma. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus

ta'lim vazirining 2018-yil 27-martdagi 274-son buyrug'iga muvofiq 274-312 raqami asosida ro'yxatga olingan). Natijada mumtoz matnlarning leksik qatlamlaridan foydalanish hozirgi o'zbek tilining leksik qatlamlarini boyitishda muhim manba bo'lishi haqidagi xulosaga kelingan;

asar leksikasining funksional-uslubiy belgilari so'zlarning semantik imkoniyatlarini, ya'ni ularning lingvopoetik mohiyatini aniqlashtirish vazifasini bajargan, natija hozirgi o'zbek tilida obrazli o'xshatishlar yaratishda eski o'zbek tilining benihoya nozik semantik imkoniyatlaridan foydalanish mumkinligi muayyanlashtirilganiga oid materiallaridan Qashqadaryo viloyati teleradiokompaniyasining "So'zlar javohiri" ko'rsatuvi hamda viloyat radiosining "Voha sadosi" eshittirishi ssenariylarini tayyorlashda foydalanilgan (Qashqadaryo viloyati teleradiokompaniyasining 2022-yil 21-dekabrda 17-05-337-son ma'lumotnomasi). Natijada mazkur radioeshittirish uchun tayyorlangan materiallarning mazmuni mukammallashgan, ilmiy dalillarga boy bo'lishi ta'minlash imkonini bergan;

bayozdagi turkiy so'zlar eng asosiy tushunchalarni atab kelishi barobarida o'z atrofida arabiy-forsiy sinonimlarni birlashtirgani, o'zlashma so'zlardan miqdoran kam bo'lsa-da, dominantlik imkoniyatiga egaligi, shu boisdan ham ularning uslubiy-funksional nufuzi arabiy va forsiy so'zlardan ustun ekani isbotlanganiga oid materiallardan Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetida bajarilgan Davlat ilmiy-texnik dasturlari doirasidagi 2021-2023-yillarga mo'ljallangan PZ-202004165 raqamli "Umumiy o'rta ta'limning boshlang'ich sinf o'quvchilarida og'zaki va yozma nutqiy kompetensiyalarni rivojlantiruvchi elektron platforma yaratish" nomli amaliy grant loyihasida foydalanilgan (Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetining 2023-yil 27-fevraldagi 04/1-4/7-son ma'lumotnomasi). Buning natijasida loyiha materiallari o'zlashmalarning yangi so'z yasashi bilan bog'liq xususiyatlari, ularning umumiy va izohli lug'atlarda berilishiga oid yangi ilmiy ma'lumotlar bilan boyitish imkonini bergan.

izohli lug'atlar tuzishda so'zlarning to'g'ri va haqqoniy lug'aviy ma'nolarini aniq ko'rsatib, yo'l qo'yilgan kamchiliklarni bartaraf etish mezonlarini belgilash asosida Muhammadrasul Mirzoning "Devon"ining lug'at-ko'rsatkichi tuzilgan. Natijada o'zbek tilining XIX asr ikkinchi yarmida qo'llanishi faol, nafaol hamda bu davr uchun eskirgan so'zlarning qo'llanish doirasini belgilash imkoni yaratilgan.

Tadqiqot natijalarining aprobatsiyasi. Ushbu tadqiqot natijalari 2 ta xalqaro va 2 ta respublika ilmiy-amaliy anjumanlarida muhokamadan o'tkazilgan.

Tadqiqot natijalarning e'lon qilinganligi. Dissertatsiya mavzusi bo'yicha 15 ta ilmiy ish chop etilgan, O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini e'lon qilingan nashrlarda 8 ta maqola, jumladan, 7 tasi respublika, 1 tasi xorijiy jurnallarda chop qilingan.

Dissertatsiyaning tuzilishi va hajmi. Dissertatsiya kirish, uch bob, xulosa, foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati, shartli qisqartma va ilovalardan iborat bo'lib, 137 sahifani tashkil etadi.

DISSERTATSIYANING ASOSIY MAZMUNI

Kirish qismida mavzuning dolzarbligi va zarurati asoslangan, tadqiqotning respublika fan va texnologiyalari rivojlanishining ustuvor yo'nalishlariga bog'liqligi ko'rsatilgan, maqsad va vazifalari berilgan, obykti va predmeti tavsiflangan, ilmiy yangiligi va amaliy natijalari bayon qilingan, natijalarning ilmiy va amaliy ahamiyati ochib berilgan, joriylanishi, aprotatsiyasi, nashr etilgan ishlar va dissertatsiya tuzilishi bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan.

Dissertatsiyaning birinchi bobi **“Devoni Mirzo” asarining umumiy xususiyatlari** deb nomlangan. Bobning *“O'zbek tili leksikasi tarixining o'rganilishi”* deb atalgan birinchi bo'limi bu jabhada o'z hissalarini qo'shgan rus va o'zbek olimlari A.K.Borovkov⁶, M.T.Ziyoyeva⁷, Q.Mahmudov⁸, H.G'.Ne'matov⁹, N.A.Rasulova¹⁰, Sh.Fayzullayeva¹¹ kabi olimlarning ilmiy ishlari bilan uzviy bog'liqdir. Shuningdek, eski turkiy tilning lisoniy xususiyatlari g'arb turkshunos olimlari K.Brokkelman¹², A.Gaben¹³, K.Grunbax¹⁴, A.Radlov¹⁵larning ilmiy ishlarida ham keng miqyosda aks ettirilgan

O'zbek tilshunosligini tarixiy nuqtayi nazardan o'rganilishida esa F.Abdullayev, G'.Abdurahmonov, S.Mutallibov, A.Rustamov, E.Fozilov, Q.Mahmudov, Sh.Shukurov, H.Ne'matov, N.Abdurahmonov, Sh.Rahmatullayev, B.Bafoyev, S.Ashirboyev, B.To'ychiboyev, H.Dadaboyev singari olimlar hissalarini kattadir. Ular o'zbek tilini tarixiy jihatdan tadqiq qilishda, ayni tilshunoslikning ilmiy-nazariy asoslarini yaratishda salmoqli ishlarni amalga oshirishdi.

Eski o'zbek yozma yodgorliklari tilini o'rganishga nazar tashlaganimizda, XIX asrda yaratilgan manbalarning lisoniy xususiyatlari boshqa davrlarga nisbatan bir qadar kam o'rganilganligining guvohi bo'lamiz. Bu borada amalga oshirilgan ilmiy izlanishlar sifatida F.Is'hoqov va A. Matg'oziyev, T.Jumayev, R.Jo'rayevalarning ishlarini sanab o'tish mumkin¹⁶. Ma'lumki, *“Devoni Mirzo”* asarining lisoniy xususiyatlari tilshunosligimizda alohida tadqiq manbayi bo'lgan emas. Bu borada adabiyotshunoslik sohasida R.A.Fayzullayevaning dissertatsiyasini qayd etish mumkin, xolos¹⁷.

⁶ Боровков А.К. Лексикологическая традиция в словарях чегатайского языка // Лексикологический сб. вып. I. К. – М., 1960. – Б. 151-162; Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тевсира XVII–XVIII вв. – М.: Изд. вост. лит., 1963. – 367 с.

⁷ Зияева М.Т. Исследование памятника XIV века «Китаб-ат-тухфат уз-Закийяа фил-лугат-ит туркийяа»: дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. – 158 с.

⁸ Махмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” асари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1972. – 300 б.

⁹ Неъматов Ҳ.Ғ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент, 1992. – Б. 96.

¹⁰ Расулова Н.А. “Китоб ал-идрок” ва унинг муаллифи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 4. – Б. 43-44.

¹¹ Файзуллаева Ш. “Китобу булғат ал муштоқ фи луғат ат-турк ва-л-кифчоқ”нинг лексикаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, – № 3. – Б. 71-74.

¹² Brokelmann C, Mittelturkische Grammatik Wortshatze von Machmud Kashgari / – Leipzig, 1928. – 234 p.

¹³ Gaben von A. Alturkische Grammatik. – Leipzig, 1950. – S. 88-89.

¹⁴ Gronbach K. Der turkische Sprachbau. – Opeugagen, 1936. – 56 s.

¹⁵ Radloff W. Das Qutaju bilig I-II. – Sankt-Peterburg. 1886. – 76 s.

¹⁶ Жўраева Р.А. Муқимий асарларининг лексик-семантик хусусиятлари: филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Кўкон, 2022. – 41 б.

¹⁷ Файзуллаева Р.А. Муҳаммад Расул Мирзо ва унинг адабий мероси: филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. – Қарши, 2020. – Б. 3-45.

Shuning uchun biz mana shu bo'shliqni to'ldirish maqsadida o'z ishimizda shu davrda Xorazmda yashab ijod qilgan adiblardan biri bo'lgan Muhammadrasul Mirzo "Devon"ning qisman fonetik va, asosan, leksik-semantik xususiyatlarini o'rganishni maqsad qilib qo'yganmiz.

Birinchi bobning ikkinchi bo'limi "*Devoni Mirzo*" asarining umumiy jihatlarini deb nomlangan va unda Muhammadrasul Niyozmuhammad o'g'li Mirzoning hayot yo'li va ijodiy faoliyati haqida hamda tadqiq manbayi bo'lgan "Devon" nusxalari haqidagi ma'lumotlar berilgan. Leksik xususiyatlari tadqiq etilgan nusxa hijriy 1323 – milodiy 1905-1906-yillarda Muhammadya'qub Muhammadyusuf tomonidan nasta'liq xatida ko'chirilgan va 2698 bayt, yoki 5396 misradan iborat ulkan nazmiy bayozdir. Mazkur 8912 qatorda qo'llanilgan so'zformalar miqdori 35133 dan ortiq bo'lib, ular 3555 leksemani tashkil etadi.

"Devoni Mirzo" bayozining ichki strukturasi quyidagicha: 1. G'azallar 195 ta; 2. Mustazod – 1 ta; 3. Muxammaslar – 21 ta; 4. Musaddas – 1 ta; 5. Qasidalar – 2 ta; 6. Ruboiylar – 26 ta; 7. Ta'rixlar – 6 ta; 8. Masnaviylar – 3 ta; 9. Soqiynoma – 1 ta (Muallif "Fuzuliyini forsiy lafzida soqiynoma" deb ko'rsatgan); 10. Munozara – 15 ta.

Birinchi bobning uchinchi bo'limi "*Devoni Mirzo*" asari fonetikasining qiyosiy talqini" deb atalgan. Muhammadrasul Mirzo Xivada yashab ijod etgan shoir, demak, u o'g'uz lahjasining vakili, asarlarini, garchi qarluq lahjasida bitgani bilan, o'z ona tilining belgilaridan foydalanishdan chekinmagan.

Asar tilining etnik mansublikka munosabati, avvalo, fonetikada ko'rinadi. Hali adabiy tilning me'yorlari belgilanmagan jamiyatda, adabiy an'anaga ergashishdan tashqari, ijodkor so'zlashgan shevaning qoldiqlari yozib qoldirilgan matnda bo'rtib turishi bor haqiqatdir. O'zbek mumtoz adabiyotining vakillari qaysi lahjaning vakili bo'lishidan qat'i nazar XV asrdan boshlab adabiy til bo'lib kelgan qarluq shevasi bilan birga o'z ona tilining asriy qoldiqlarini ham ijod mahsulining zarvaraqlarida bitib qoldirganlar.

Shu boisdan ham turkiy tillarning tarixiy fonetikasini o'rganish har qachon ham ko'plab murakkabliklarni, bahs-u tortishuvlarni keltirib chiqargan. Albatta, muhobasaga kirishuvchi olimlarning har doim dalillari mavjud bo'ladi. Bu dalillar, bir tomondan, haqligini ko'rsatsa, ikkinchi tomondan, qarshi faktlarga ham ega bo'ladi. Alalxusus, bu kabi tortishuvlar hanuz o'z intihosiga yetgani yo'q.

"Devon"ning fonetik xususiyatlarini belgilashda arab harflarining uslubiy qo'llanishidan kelib chiqildi va hozirgi o'zbek tilida bo'lganidek, o ~ a munosabati o'sha paytda ham fonologik qiymat kasb etmaganligini ko'rsatdi. Buning yorqin misoli asar tilida qo'llangan 160 ta *a* tovushi bilan boshlanuvchi so'zlardan 17 tasi *oyir-*, *oyla-*, *oylan-*, *oyril-*, *oyru*, *oyt-*, *olda-*, *ongla-*, *ondoq*, *oncha*, *orzi-*, *orz*, *orit-*, *osra-*, *oto*, *ochchig'* singari so'zlar hali *a* bilan, hali *o* bilan boshlanganligidir. Masalan:

*Soqiyo o'lgum g'anim oyturg'a yorimi topmayin,
Bersangiz bir jo' mucha bizg'a bo'lg'ay alloh yoringiz (16;2).*

Bundan tashqari, bir asosga goh qattiq qo‘shimcha, goh yumshoq qo‘shimcha qo‘shilib kelaverishi singarmonizm qonuniyatlik darajasidan chekinib, adabiy an‘ana maqomida qo‘llanganligi ayon bo‘ladi.

*Bandini ko‘nglumg‘a fazling shoyadidin bazmlig‘,
Ne nadomat ashkidin ko‘zgu afshondur manga (1;2).*

Demak, “Devon” leksikasining tadqiqi uning fonetikasi bilan bog‘liq hodisadir, bu ikki sathni ayro o‘rganish notugallikni, noaniqlikni keltirib chiqarishi mumkin edi.

Shu bobning “*Devoni Mirzo*” asari leksikasining hozirgi o‘zbek adabiy tiliga munosabati” deb nomlangan to‘rtinchi bo‘limida bayoz tili bilan hozirgi o‘zbek tilini qiyoslash uchun “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” (O‘TIL) mezon qilib olindi. O‘TILda Muhammadrasul Mirzo “Devon”i leksikasida o‘z aksini topgan 3555 leksemaning 336 tasi (10 foiz) uchramaydi. Shundan 62 leksema (2 foiz) turkiy, 60 leksema (2 foiz) arabiy va 140 leksema (4 foiz) eroniy TEQga mansubdir. Demak, O‘TILga yodgorlik so‘z boyligining 90 foizining mavjudligi Mirzo qalamiga mansub “Devon” lug‘at boyligining yangilanib borganligidan dalolat beruvchi muhim omildir. Bunday riyoziy ko‘rsatkichlar “Devon” leksikasining hozirgi o‘zbek tiliga juda yaqin ekanligini ko‘rsatadi.

Ikkinchi bob “**Devoni Mirzo**” asari leksikasida tarixiylik va zamonaviylik” deb nomlangan bo‘lib, uning “*Devoni Mirzo*” asari leksikasining qiyosiy va statistik o‘rganish natijalari” deb ataladigan birinchi bo‘limida tadqiq manbayi bo‘lmish “Devon”ning leksik statistikasi borasida bahs yuritilgan.

Leksik statistika, tashqi tomondan qaraganda, “quruq” dalillar yig‘indisidan iborat riyoziy birliklarga o‘xshab ko‘rinsa-da, ushbu usul tadqiqot manbayi mansub bo‘lgan davr tilining asosini belgilash, muallifning individual nutqiy mansubligini aniqlash, bu orqali esa hozirgi o‘zbek adabiy tilining yuzaga kelishida muhim vazifa o‘tashiga xizmat qiladi.

Ma‘lumki, X-XIX asr o‘zbek adabiy tili uchun asosan uch tarixiy etimologik qatlam (TEQ) xosdir: 1) turkiy qatlam; 2) arabiy qatlam; 3) eroniy qatlam. Muhammadrasul bayozida qo‘llangan 3555 lug‘aviy birliklar tarixiy-etimologik jihatdan quyidagicha tarixiy etimologik qatlamlarga bo‘lib tasnif etilgan:

1. Turkiy so‘zlar – 670 ta (umumiy leksikaning 19 foizini tashkil etadi).
2. Fors-tojikcha so‘zlar – 1059 ta (29 foiz).
3. Arabcha so‘zlar – 1498 ta (42 foiz).
4. Aralash holdagi so‘zlar – 328 ta (10 foiz).

Ulardan:

- a) arabcha-fors-tojikcha (kelib chiqishi jihatidan arabcha, ammo fors-tojikcha so‘z yasovchi qo‘shimchalar bilan hosil bo‘lgan so‘zlar) – 198 ta (6 foiz),
- b) arabiy-turkiy so‘zlar – 36 ta (1 foiz),
- d) eroniy-turkiy so‘zlar – 78 ta (2,3 foiz),
- e) arabiy-eroniy-turkiy so‘zlar – 28 ta (0,9 foiz).

“Devoni Mirzo” bayozidagi bu ko‘rsatkichni lug‘at boyligi aniq sanalgan Alisher Navoiyning “Lison ut-tayr” va Muhammad Solihning “Shayboniynoma”, Abulg‘ozi Bahodirxonning “Shajarayi turk” asarlari bilan solishtirsak, quyidagi dalillarni ko‘rsatadi (1-jadval).

Asarlar nomi	Arabcha soʻzlar	Fors-tojikcha soʻzlar	Turkiy soʻzlar	Aralash soʻzlar
“Lison ut-tayr”	40 foiz	26 foiz	24 foiz	10
“Shayboniynoma”	38,5	25	32,5	4
“Shajarayi turk”	22,5	11,5	28,5	35,5
“Devoni Mirzo”	42 foiz	29 foiz	19 foiz	10

Jadvaldan koʻrinib turibdiki, “Devoni Mirzo”da qoʻllanilgan turkiy soʻzlar “Lison ut-tayr”ga nisbatan bir oz koʻp, “Shayboniynoma” dostonidagidan esa biroz kamdir. “Shajarayi turk”, avvalo, nasriy asar boʻlgani bois, undan keyin esa Abulgʻoziyning turkiy tilning imkoniyatlarini yorqin koʻrsatishga jazm etganligi sabab boʻladi. Mirzo “Devon”i sheʼriy bayoz boʻlar ekan, unda anʼnaviylikka ergashish, yaʼni oʻzidan oldin yashab ijod etgan shoirlar, xususan, Alisher Navoiy anʼanasini davom ettirish gʻoyasi kuchli boʻlgani uchun turkiy soʻzlarning miqdori boshqa TEQdagi soʻzlardan ancha-muncha past. Bu qusurni shoir yana badiiylik imkoniyatlaridan foydalangan holda aralash soʻzlar hisobidan eroniy TEQ soʻzlari miqdori bilan tenglashtira olgan.

2.2. Turkiy tarixiy-etimologik qatlam. “Devon” leksikasidagi 3555 leksemadan 2764 tasining hozirgi oʻzbek adabiy tilida va hozirgi oʻzbek shevalarida uchrashi yuqoridagi fikrimizni tasdiqlaydi. Mirzo qoʻllagan turkiy soʻzlar 670 ta boʻlib, umumiy leksikaning 19 foizini tashkil etadi.

“Devoni Mirzo”dagi turkiy TEQga mansub soʻzlar maʼno jihatdan nihoyatda xilma-xil boʻlib, turli sohalarga oid nomlarni ifodalaydi. Ular dissertatsiyada ismlar, kishi aʼzolari, teonimlar, qarindosh-urugʻchilik bilan bogʻliq boʻlgan soʻzlar, harakat va holat bildiruvchi soʻzlar, nisbiy belgi bildiruvchi soʻzlar va boshqa guruhlarga boʻlib tasniflangan.

“Devoni Mirzo” asarining leksik qatlamlarini hozirgi oʻzbek adabiy tiliga qiyoslaganda, uch davr tilining ham soʻzlari isteʼmol etilganligini koʻrish mumkin. Yaʼni bayoz misralarining tarhida hozirgi oʻzbek tili uchun eskirgan – qadimgi turkiy tilga oid, yaʼni unutilgan soʻzlarni ham (a), eski turkiy tilga xos boʻlib eskirganlik qiymatini oʻzida mujassam etgan, shuningdek, maʼnosida oʻzgarish sodir boʻlgan soʻzlarni ham (b) va shakli oʻzgargan soʻzlarni ham va hozirgi oʻzbek tilida faol qoʻllanadigan soʻzlarni ham koʻrish mumkin:

a) *asru, butrat, yovuq, tamugʻ, tegru, chotil-, ezid, qapu;*

b) *yangoq (yonoq), injilmoq (ranjimoq, qiynamoq), olon (oʻgʻlon).*

Asru – bugungi tilimiz meʼyorlari boʻyicha ravish soʻz turkumi hisoblanadi, mumtoz adabiyotimizning nazmida faol isteʼmol etilgan, Mirzo “Devon”i tilida 18 marta qoʻllangan, demak, ushbu kalimani nafaol soʻzlar sirasiga kiritib boʻlmaydi. Bugungi *juda, behad, nihoyatda* singari sinonimik qatorning aʼzosi boʻladigan *asru* “Devon” nazm uslubida bitilganligi sababli eski oʻzbek tilining davomiyligini saqlash uchun xizmat qilgan. Misol:

*Gʻam lashkaridin, ey qadi diljoʻ, topmoq mani koʻp osondur asru,
Chiqgʻan ogʻizdan gardun uza bu ohim oʻtidin bordur alomat (7/2).*

Shakli o'zgargan so'zlar. “Devon”da bunday so'zlar ikki sabab natijasi sifatida yuzaga kelgan:

1. Mumtoz adiblarimiz traditsiyalarining davomiyligi sifatida;
2. Shoir ona tilisining (lahjasi)ning mubham qoldig'i – muhri tariqasida:

*Har oshiqkim oning ma'shuqi guli ol yangoq o'lsa,
Qoshi yo, kirpiki o'q, ko'zi nargis, simsoq o'lsa. (38/2).*

Xuddi shuningdek, *olon, vo'sma, gezla, dagil, munglash, ortuqsa/ortuqsi, ushul, cho'x* singari zohiran o'zgargan lisoniy birliklar ham Muhammadrasul Mirzo ijodida ham qadimiylikni, ham uning ona tili bo'lgan o'g'uz lahjasining namunasi bo'lib “Devon”dan o'rin olgan.

Dialektizmlar. Mirzo “Devon”ida qo'llangan shevaga xos so'zlarni ikki guruhga bo'lib talqin etish mumkin:

1. Adabiy-orfografik me'yordan fonetik jihatdan farqlanuvchi so'zlar.
2. Adabiy-orfografik me'yordan ham shakl, ham ma'no tarafdin farq qiladigan leksik birliklar.

Ma'lumki, turkiy tillar “a”lovchi hamda “o”lovchilik jihatidan bir-biridan farqlanadi. O'zbek tili shevalari ham shu jihati bilan bir-biriga to'g'ri kelmaydi, hatto bir lahjaning turli shevalarida ayni farqlanish xos hisoblanadi. Muhammadrasul Mirzo ham o'g'uz lahjasining vakili sifatida “a”lovchilikka moyil tilda ijod etgan. Ammo ba'zan shoir qarluq lahjasida ijod qilishi davomida “a”lovchilikdan qochib “o”lovchilikni o'z ijodiga singdirishga intilgan. Shu sababdan bo'lsa kerak, ba'zi o'rinlarda o'g'uz lahjasida ham, qarluq lahjasida ham “a”lashish urf bo'lgan o'rinlarda “o”lashish belgilarini ustun darajada qo'llaydi.

*Sen oningdek dilrabosen xo'bliq bog'i aro,
Orazing gul, qoshlaring yo, dishlaring durri samin (29/2).*

2. Adabiy-orfografik me'yorga ham shakl, ham ma'no tarafdin farq qiladigan leksik birliklar Mirzo “Devon”i bayozida talay adadni tashkil etadi. Asl turkiy mohiyat kasb etuvchi bunday birliklar adibning mumtoz an'anaga ergashganligidan tashqari asar badiiyatini ulkan cho'qqiga olib chiqishini ta'minlashiga xizmat qilgan. Chunonchi, *ayiqliq* so'zi hozirgi o'zbek uchun begona, uni o'zbek adabiy tili me'yorlari bo'yicha talqin qilishning ham imkoniyati mavjud emas. Ammo *ayiqliq* so'zidan buyuk “malik ul-kalom” – bobomiz Alisher Navoiy faol foydalangan:

*Tiyg'ila boshimga keldingki, bu kun qatl ishida,
Xo'blar ichra saromad sen o'lubsan ayiqib (XM, IV. –B. 67)¹⁸.*

“Alisher Navoiy asarlarining izohli lug'ati” da *ayiqmoq* so'zining uchta: *oziqmoq; uyg'onmoq, hushga kelmoq, adashmoq* ma'nolari keltirilgan. Alisher Navoiy esa yuqoridagi baytda bu so'zdan “adashmoq” ma'nosida foydalanganligini ko'rish mumkin. Mazkur ijodiy an'anani Mirzo o'z she'riyatida davom ettiradi hamda bu so'zni Alisher Navoiy foydalangan ma'noda qo'llaydi:

*Shab-ro'z ayiqliqni dodin berur,
Ki bilman bu olam na olam erur?*

¹⁸ Аlisher Navoiy asarlarining izohli lug'ati. Tўrt tomlik, I tom. – Toshkent, 1983. – B. 62.

Demak, Mirzo “Devon”i asarida saqlangan shevaga oid soʻzlar ikki maqsadda: a) adabiy anʼananing davomi; b) areal leksik imkoniyatni voqelantirish uchun xizmat qilgan. Shu sababdan ham “Devon”dan oʻrin olgan nazm javohirlari oʻz badiiy qimmatini namoyon qila olgan.

2.3. Arabcha tarixiy-etimologik qatlam. Maʼlumki, arabcha oʻzlashmalar soni Alisher Navoiy ijodidan keyingi davrlarda boshqa TEQlarga nisbatan kamayib bordi, bu, albatta, turkiy soʻzlarning nufuzi oʻsa borganligi bilan izohlanadi. Mirzo “Devon”ida esa buning aksi, yaʼni arabiy oʻzlashmalarning boshqa TEQ soʻzlaridan ustun darajada qoʻllanganligini koʻrish mumkin.

“Devon”da arabiy TEQga mansub soʻzlar adadi umumiy leksik birliklarning 43 foizini (1504 leksema) tashkil qiladi.

Mirzo ijodining toʻliq mahsuli boʻlgan bu bayoz nazm janrida bitilganligi bois qoʻllangan arabcha leksemalar kitobiy uslubga mos keladi. Shunisi diqqatga sazovorki, arabiy kalimalar, asosan, badiiylikni shakllantiruvchi leksik imkoniyat hisoblanib, shoir oʻzidan oldin oʻtgan sheʼriyat “sultonlari” – Alisher Navoiy, shuningdek, oʻzi alohida qayd etgan ustozlari – Munis, Ogahiy ijodlariga ergashganligidan dalolat beradi. Arabcha soʻzlar mumtoz eski oʻzbek tilida bitilgan badiiy asarlar tilida isteʼmol etilgan leksik birliklar maqomida boʻlib, shoir koʻzlagan badiiyatni shakllantirish vazifasini bajargan. Mirzo ishlatgan arabcha soʻzlar masdarlar, mavhum otlar, muayyan otlar, sifatoshlar, shaxs otlari, feʼldan kelib chiqqan oddiy darajadagi sifatlar, orttirma darajadagi feʼl-sifatlar, nisbiy sifatlar, ravishlar, undovlar, bogʻlovchilar, siniq koʻplik son formalari, koʻplik sonning toʻgʻri yoki toʻliq koʻrinishlari, joy va payt nomlari kabi morfologik guruhlarga boʻlib tadqiq etilgan.

Demak, arabcha TEQga mansub soʻzlarning boshqa turdagi TEQdagi leksemalardan ustunligining sababi, bayozning sheʼriy janrda bitilganligi hamda mumtoz sheʼriyatning davriy davomchisi boʻlib voqelanganligi bilan izohlash mumkin.

2.4. Eroniy tarixiy-etimologik qatlam. “Devon”da 1054 ta (30 foiz) fors-tojikcha soʻzlar mavjud, ularning 348 tasi (10 foiz) bugungi ona tilimizda qoʻllanmaydi. Aralash tipdagi soʻzlar ichida oʻzagi arabcha va yasovchi qoʻshimchasi fors-tojikcha soʻzlar koʻpchilikni tashkil etgan (200 ta, 6 foiz). Demak, katta miqdordagi arabiy TEQdagi soʻzlar turkiy tilga mumtoz forsiy Alisher Navoiy bahosiga koʻra asl va moʻtabar tillardan biri (ML, 10-bet) – badiiy soʻz sanʼatkorlari tomonidan ishlangan va sayqal berilgan nazm tili orqali kirib kelgan.

Grammatik mansubligiga koʻra eroniy soʻzlar quyidagicha: otlar, ot-feʼllar, sifatlar, olmoshlar, ravishlar, sifatoshlar, modal soʻzlar, bogʻlovchilar, undovlar.

Mirzo “Devon”i bayozida qoʻllangan soʻzlarni eroniy soʻzlarning hozirgi oʻzbek tiliga munosabatini quyidagicha belgilash maqsadga muvofiq keladi:

- hozirgi oʻzbek adabiy tilida ishlatilmaydigan soʻzlar;
- shakli oʻzgargan soʻzlar;
- hozirgi oʻzbek adabiy tilida maʼnosi toraygan soʻzlar;
- izofali birikmalar.

1. “Devon”dagi hozirgi oʻzbek adabiy tilida ishlatilmaydigan soʻzlar Alisher Navoiy anʼanalarining davomi sifatida oʻz aksini topgan. Natijada eroniy

soʻzlar badiiylik ruhi ifodasi uchun qoʻllanilgan. Bu hol oʻzbek tilida tuziladigan lugʻatlar soʻzligi koʻlamini kengaytirishga xizmat qiladi. Mazkur sheʼriy matnda hozirgi oʻzbek adabiy tili uchun notanish soʻzlarning adadi koʻp, shu sababli bu siraga isteʼmol darajasi mavjud boʻlmagan yoki juda past meʼyorda oʻzbek tilidagi matnlarda qoʻllangan quyidagi eroniy soʻzlarni kiritish mumkin. Yaʼni *biym*, *bolonishin*, *gitinamo*, *gireh*, *gisu*, *gudoz*, *guljabin*, *darun*, *dudam*, *duto*, *jabin*, *jashn*, *jiyb* va hokazo. Masalan:

Qachon boʻlgʻusi ishq ila jamʼi siym,
*Qilib tarki sim etmagil hech **biym** (66/1).*

Bu baytda *biym* “qoʻrquv, andisha” maʼnolarini ifodalab, *siym* “sim” soʻziga qofiyadosh qilib olingan. “Sim”ning “siym” tarzida keltirilishi “biym”dagi, oʻzbek tilida mavjud boʻlmagan, choʻziq \bar{i} ga ohangdoshlik talabi bilan yuzaga kelgan. Shoir forsiy kalom “biym”dan bayt maʼno tugalligi uchun ekstralingvistik uslubdan foydalangan.

2. Shakli oʻzgargan soʻzlar sifatida *burron*, *dudam*, *tanur*, *xoshok*, *shoʻroba* singari lugʻaviy birliklarni qayd qilish mumkin.

Mirzo “Devon”i bayozida zohiran hozirgi oʻzbek tilidagi varianti bilan farqlanuvchi soʻzlar ham uchraydi. Tarixiy matnlarning aksariyati uchun umumiy boʻlgan bu holat son jihatidan koʻp boʻlmasa ham, mavjud. Ularning isteʼmolda boʻlganligini asar, avvalo, sheʼriy matn boʻlganligidan, qolaversa, areal imkoniyat taʼsiri deyish oʻrinli boʻlishi mumkin. Misol:

Vasling ila shod ayla qutqarib hazinlikdin,
*Shah duosin demagʻa ham tilini **burron** qil (24/1).*

Burron soʻzining hozirgi oʻzbek adabiy tilidagi ekvivalenti *burro* boʻlib, “zukko, har narsani uddalay oladigan” maʼnolarini bildiradi. Bayozdagi gʻazal matnida *burron* birinchi misradagi *hazin* soʻziga qofiya talabi bilan qoʻllangan, bu esa shoirning leksemani novatorlik asosida ishlatib, oʻz mahoratini koʻrsatganligining asosi hisoblanadi.

3. Izofali birikmalar. Mirzo “Devon”i asarida forsiy izofali birikmalardan behad koʻp miqdorda foydalanilganki, bu ifodaning ixchamligidan tashqari badiiylik yukini yanada yuksakligini taʼminlash uchun oʻzgacha bir lisoniy imkoniyat boʻlgan.

Fors izofasi aniqlanmish bilan aniqlovchining yoki qaratqich bilan qaralmishning oʻzaro qoʻshilishidan hosil boʻlib, oʻsha shaklda oʻzgarmay oʻzbek tiliga kirib kelgan birikmadir. Izofa tufayli komponentlarni ajratib boʻlmaydigan, shu bilan birga, izofadagi soʻzning joylashish tartibini oʻzgartirib ham boʻlmaydigan qatʼiy tartibli sintaktik birlik hisoblanadi. Agar birliklar oʻrnini almashtirsa, badiiylik choʻgʻi bir qadar pasayadi, yaʼni ijodkor qoʻllagan maqsad, ifoda imkoniyati oʻz kulminatsiyasiga erisha olmaydi. Masalan:

*Asirni qildi chun **mazhari muyassarning** vujudigʻa,*
Bu mirʼot ichra boʻldi necha tarhi dilkusho paydo (2/1).

Qoʻllangan izofali birliklar qismlarini: *mazhari muyassar* – muyassar mazhari, *tarhi dilkusho* – dilkusho tarhi, *ahli hidoyat* – hidoyat ahli, *xomayi sunʼ* – sunʼiy xoma, *shomi hasrat* – hasrat shomi tarzida qoʻllash ham mumkin edi. Biroq bunday struktur jarayon shoir idrok etgan lisoniy noziklikni voqelantirishdan bir qadar yiroqlashib ketishini anglash qiyin emas. Shuning uchun ham mumtoz adiblarimiz ham, hozirgi ijodkorlarimiz ham forsiy izofali birikmalardan oʻz ijodlarida oʻrinli hamda teranlik vositasi sifatida foydalanib kelishadi.

4. Qorishma soʻzlar. Mirzo “Devon”i bayozida turkiy, fors-tojik va arab tillari unsurlarining birikishi natijasida hosil boʻlgan birliklar koʻp uchraydi. Bayoz tilida kuzatilgan qorishma soʻzlarning aksariyati qoʻshma feʼllardir. Bunda oʻzak, asosan, arabcha yoki fors-tojikcha soʻzlar boʻlib, koʻmakchi feʼl sifatida *ayla-*, *ur-*, *tort-*, *ol-*, *bil-*, *qil-*, *qol-*, *ber-*, *et-*, *tush-*, *tut-*, *sol-*, *top-*, *bogʻla-* kabilar ishtirok etgan.

Bunday tarixiy-lisoniy hamkorlik jarayoni Mirzo “Devon”ida keng koʻlamda davom ettirilgan va nutqdagi ifoda imkoniyatining teranligini kuchaytirishga xizmat qilgan. Misollar:

*Vasli subhidin yuzi mehrin namoyon ayladi,
Topmayin qoldi yorugʻligʻ shomi hijronim hanuz (16/1).*

Barcha yozma matnlarda boʻlganidek, ushbu bayozda ham ikki til unsurlarining birgalikda qoʻllanishi gapning tugalligi uchun kesimlikni shakllantirish uchun xizmat qiladi. Shu boisdan ham uning qoʻllanish doirasini chegaralash mushkul. Xulosa qilish mumkinki, turkiy tillarning, xususan, oʻzbek tilining qardosh va noqardosh tillar hamkorligi abadiy boʻlib, ularni ajratib tasavvur qilish mumkin emas.

Dissertatsiyaning uchinchi bobiga **Mirzo “Devon”i asari leksikasining zohiriylik va botiniylik belgilariga munosabati** deb nom berilgan. Ushbu bobning birinchi boʻlimi Mirzo “Devon”i *asari leksikasining tashqi belgilari tavsifi* nomi bilan atalib, unda soʻzlar tashqi belgilariga koʻra sodda, qoʻshma soʻzlarga ajratilgan holda tasnif etiladi.

Sodda soʻzlar. Maʼlumki, soʻzning morfologik strukturasi soʻz formasining yasashida qatnashadigan komponentlardan iborat. Soʻzning morfologik strukturasi forma yasashida asos boʻladigan komponent bilan forma yasovchi komponentdan iborat boʻladi. Forma yasashiga asos boʻladigan qism qoʻshma soʻz yoki sodda yasama hisoblanadi. Mirzo “Devon”ida soʻzlar barcha badiiy matnlarda boʻlganidek, sodda (bir oʻzakli) tub va yasama koʻrinishga ega.

Misol uchun *sevunchi* (14/1) soʻzini olsak, u soʻzlovchi ongida *sevunchi* va mavhumlik maʼnosini anglatuvchi asos – *sev-*, nisbat *-un* va *-chi* yasovchi morfemalariga osonlikcha ajraladi.

*Bergil sevunchi, ey koʻngil, kulbang sari yoring kelur,
Taʼsir aylab koʻngiligʻa bu nolayi zoring kelur.*

